



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (12.685)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ҳалқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2014 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 28 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоханг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадам-жоларини обод этиш борасида кенг қўлмали савоб ва тарғибот ишлари ташкил қилинсин. Ушбу кўтлуг ойда амалга ошириладиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 24 июнь

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ: ОДОБ-АХЛОҚ, ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрининг ўрганиш маркази томонидан шу мавзуда ижтимоий сўров ўтказилди.

Ёшларнинг бу борадаги фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган мазкур тадқиқот мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Сўров натижалари таълим олиш ёшларнинг ҳаётий қадриятлари тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллашини кўрсатди.

Ижтимоий сўров натижалари мустақиллик йилларида ёшларнинг билим олиш, айниқса, олий маълумотга эга бўлишга интилиши тобора кучайиб бораётганини намоён қилди. Чунончи, 2013 йилда ўтказилган сўровда ҳар икки ёшдан бири олий маълумотли бўлиш истagini билдирган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 81,6 фоизни ташкил этмоқда. Улар кўпроқ иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ, педагогика мутахассисликлари, тиббиёт йўналишида олий маълумотли бўлишни маъқул қўришмоқда. Мухандислик-техник мутахассисликлари, ҳарбий иш, ахборот технологиялари соҳасини эгаллашга қизиқиш ҳам тобора ортиб бормоқда. Ёшлар чет тилларни ўзлаштиришга ҳам катта

эътибор бермоқда. Иштирокчиларнинг мамлакатимизда чет тилларни ўрганишни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган самараларни чора-тадбирларни алоҳида таъкидлагани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Мазкур сўров мустақиллик йилларида ёшларимизнинг дунёқараши кенгайиб, ўзини англаш, ватанпарварлик, Ватанга садоқат ва юртдан фажр-ифтихор туйғуси кучайганини яна бир бор ёрқин исботлади.

Ёшларда Ватанимиз тарихи ва маънавий-маданий меросимизга қизиқиш ортиб бормоқда ва бу уларда мамлакатимиз келажагига дахлдорлик туйғусининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тадқиқот ёшларимизда миллий ўзликни англаш ҳалқимизнинг маънавий хусусиятлари, урф-одат ва анъаналари, миллий мустақиллик, бой тарихимиз, буюк аجدодларимиз мероси, она тилимиз ва маданиятимиз билан уйғунлашиб бораётганини кўрсатди.

(Давоми 2-бетда)

Ватан ҳимояси —
муқаддас бурч

ПОЙТАХТНИНГ БИР
КУНИ



ЎЗА олган сурат

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ЁШ ОФИЦЕРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий-ўқув муассасаларида битирувчиларга диплом топириш ва офицер унвонини беришга бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий миллий армиямиз шакллантирилиб, илғор касб кўникмаси, юксак интеллектуал салоҳиятга эга офицер кадрлар тайёрлаш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелда имзоланган Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойишига мувофиқ ҳарбий касб нуфузини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буни Тошкент ахборот технологиялари университети мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда навбатдаги битирувчиларга диплом топиришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ш.Норматов, Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Т.Тешабоев ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш ҳар бир офицернинг бурчи эканини таъкидлади.

Тошкент ахборот технологиялари университетида телекоммуникация ва радиотехнологиялар соҳасида ҳарбий мутахассислар тайёрлаш бўйича махсус факультет 1993 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалан-

ган ҳолда, ўқитишнинг замонавий услуб ҳамда шакллари жорий этилган, дарслар юқори ма-лакали мутахассислар томонидан ўтилмоқда.

Ватани ҳимоя қилиш, жонажон дийёр ва халқини қўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар бир йигитнинг бурчидир, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети битирувчиси, лейтенант Б.Маматов. — Болалигимдан спорт, электроника ва радиотехникага қизиқаман. Бу ерда ўқиб давомида билимимни кенгайтириш баробарида шарафли касбни чуқур эгалладим, кучли ва қатъиятли бўлишни ўргандим. Давлатимиз раҳбаридан биз, ёшларга қаратилаётган улкан эътибор учун миннатдоримиз.

Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган шундай тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари ва ақинлари иштирок этди.

— Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман, — дейди лейтенант И.Махмудов. — Билим юртида кулол-аслаҳа ва ҳарбий техникадан фойдаланишни ўргандим, умумтаълим фанлари бўйича билимимни бойитдим, қўллаб-дўстлар орттирдим. Бу ерда олган билим ва кўникмаларимни энди амалиётда қўллаш учун Ватан ҳимоясига йўл олаётганимдан хурсандман.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири

Жорий йил 5-6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзундаги халқаро конференция аяқлари ҳамда Президент Ислам Каримовнинг мазкур анжуманининг очилиш маросимидаги нутқи жаҳон оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилмоқда.

ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЕЛЬГИЯ МАТБУОТИДА

Жумладан, Президент Ислам Каримов томонидан мазкур халқаро анжуманда тақдим этилган маълумотлар, яъни иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик жабҳасини ривожлантириш юзасидан республикада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим жиҳатлари Бельгия матбуоти саҳифаларида ҳам ўзифодасини топмоқда.

Ушбу мамлакатда нашр этиладиган «New Europe» («Янги Европа») газетасида эълон қилинган мақолада давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ушбу халқаро форумда сўзга чиқиб, озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари хусусида фикр юритиб, Ўзбекистон барча халқаро ташкилотлар, хори-

жий инвесторлар, тадбиркорлар, банклар, олим ва мутахассислар билан биргаликда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлагани ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарёда «Юрт келажаги» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 321 нафар иқтидорли ёшлар иштирок этди.

• Самарқандда Президентимизнинг 2014 йил 19 февралдаги «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

• Сирдарёда «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган икки юз элликдан зиёд аёллар спортнинг гимнастика, теннис, волейбол, сузиш, футбол каби турлари бўйича ўзаро баҳслашди.

• Самарқандда «Худудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланиш самарадорлигини ошириш, ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар автомобилдан воз кечи-б, экологик тоза транспорт тури бўлмиш велосипедда ҳаракатланишга ўтган фуқароларини рағбатлантириш масаласини ҳал этмоқда. Бу борада Франция маъмурияти ташаббускорлик қилмоқда. Жумладан, мамлакатда махсус дастур амалга жорий этилган бўлиб, ўлкадаги компания ва ташкилотлар унинг ижроси юзасидан кўнгилли равишда зиммаларига мажбурият олмоқда. Айни пайтгача бундай ташкилот ва компаниялар сони 19 тага етди.

• Аҳоли ўртасида смартфонлардан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бораётгани. Жорий йил охирига бориб, улар сони қарийб 1,76 миллиард кишига етиши кутилмоқда. Бу бутун дунё аҳолисининг тўртдан бир қисmini ташкил этади. Таҳлиллар яна шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йилда сайёрамиз одамларининг учдан бир қисмидан кўпроғи смартфонлардан доимий фойдаланиш имконига эга бўлади.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Бектемир туманидаги 289-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Камалак» ёзги

оромгоҳида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» деб номланган расмлар танлови ўтказилди.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Юрт келажаги» иқтидорли

ёшлар республика танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида

«Адлия вазирлигининг қонун ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдаги фаолияти» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида оқ давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсати белгиланиб, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишга устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»да белгиланган маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вазифалари ҳам шунга йўналтирилган.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ижроси устидан прокурор назоратини олиб боришда олий ўқув юрлари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бинобарин, бугунги кунда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган жами 27 та олий ўқув юрлари ва 6 минг нафар талабалар, 120 та академик лицей ва касб-хунар коллежларини 2013-2014 ўқув йилида 36 300 нафар ўсмирлар битириши кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу мақсад йўлида 2014 йилда Тошкент шаҳрида жами 90 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилиши белгиланган бўлиб, уларнинг 60 фоизга яқини ёшлар, шу жумладан олий ўқув юрлари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун мўлжалланган. Жорий йилнинг 5 ойида 40 мингга яқин янги иш ўринлари яратилиб, шундан 23 мингтаси ёшлар учун мўлжалланганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Иш ўринлари яратилиши ҳақидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, янги иш ўринлари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида, яъни савдо ва умумий овқатланиш, алоқа ва ахборотлаштириш, транспорт ва коммунал хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда яратилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўлши 70,2 фоизни ташкил этади.

Хусусан, аҳолининг бандлигини таъминлашда меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамиятга эгадир. Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда жорий йилда 36 та бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ўтказилган бўлиб, уларда 234 та корхона ва ташкилотлар иштирок этган. Улар томонидан 10 мингтадан ортиқ бўш иш ўринлари таклиф этилган. Ушбу ярмаркаларга жами 2,5 минг нафардан ортиқ фуқаролар, шу жумла-

дан олий ўқув юрлари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб этилган.

Биргина, жорий йилнинг 11-13 февраль кунлари «Ёшлар ижод саройи»да бўлиб ўтган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ҳақида тўхталсак, ушбу тадбир «Таълим ва карьера» Х халқаро кўргазма доирасида ўтказилиб, унда Ўзбекистонда фаолият юритаётган

Қарор ва ижро

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА БАРЧА МАСЪУЛ

40 дан ортиқ чет эл ўқув муассасаларининг тақдими ҳам қамраб олинган. Тадбирга олий ўқув юрлари, лицей ва коллежлар барча битирувчиларининг тизимли ташифи уюштирилган.

Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда маҳаллаларда банд бўлмаган аҳолининг манзилли рўйхатлари шакллантирилган бўлиб, тадбир доирасида ташкил этилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасига 8 мингдан зиёд фуқаролар жалб этилган.

Доимий меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларга 134 та корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 7060 та бўш иш ўринлари тавсия этилган. Ушбу тадбирда иштирок этмаган 2149 та корхона ва ташкилотларга тегишли жами 6134 та бўш иш ўринларининг манзилли электрон рўйхатлари тузилиб, барча туманларнинг бандликка қўмаклашувчи марказлари томонидан меҳнат ярмаркасига тақдим этилган.

Ўтказилган меҳнат ярмаркаларида жами 605 нафар фуқароларга ишга жойлаштириш бўйича йўлланмалар берилган ҳамда уларнинг бандлиги таъминланган. Аҳолини иш билан таъминлашда уй меҳнатига асосланган касаначилик, хўнарамандлик ҳамда оилавий корхоналарни барпо этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар

қўмиталари, жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорликда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг сезиларли даражада камайишига эришилмоқда.

Тахлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида шаҳар ҳудудида вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг 14,71 фоизга камайишига эришилган.

Кези келганда айтиш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор муҳим қонунлар имзоланган бўлиб, улар қаторидан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ҳам ўрин олган.

Шуниси муҳимки, ушбу қонун ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олган. Шу мақсадда Қонуннинг 16-моддасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг вазифалари аниқ белгиланиб, хусусан улар аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизларни ҳисобга олиш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириши лозим.

Шаҳар прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўзида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган 1100 дан ортиқ тадбирлар ўтказилган бўлиб, уларнинг 60 га яқини оммавий ахборот воситалари орқали ёритилган.

Шунингдек, шаҳар прокуратураси органлари томонидан жорий йилда меҳнат ва бандлик соҳасида ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 700 тадан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. 50 дан ортиқ ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатлар прокурор протестлари асосида бекор қилинган, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 20 тага яқин тақдимномалар киритилган, 15 нафардан зиёд мансабдор шахс интизомий ва 70 нафардан зиёди маъмурий жавобгарликка тортилган. Прокурор назорати ҳужжатларини қўриб чиқиш натижаларига кўра 600 нафардан ортиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Хулоса қилиб айтганда, барча давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорликда фаолият кўрсатсагина қўзланган натижага, эришилади.

Мухторжон ШОДМОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси прокурори,
адлия маслаҳатчиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мақолада ёзилганидек, мамлакатда 2020 йили мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириши 2014 йилдагига нисбатан камида 2,3 марта қўпайтириш мўлжалланаётгани Ўзбекистон раҳбари томонидан маълум қилинди. Шунингдек, Президент дунёда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иклим шароитларининг уйғунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар факат ушбу минтақада етиштирилиши мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашгани ҳам қаламга олинган.

Давлатимиз раҳбарининг нутқиға мурожаат қилиниши асосинда, экспертларнинг Ўзбекистон заминиде етиштириладиган мева ва сабзавотларнинг хусусиятлари ҳақидаги фикрлари

ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЕЛЬГИЯ МАТБУОТИДА

тўғрисида ҳам атрофлича сўз юритилган. «Ўзбекистон шароитида етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шаклар, амин ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ҳамда озик-овқат рақсониде ўрнини алмаштириб бўлмайди»ган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради», деб ёзилади «New Europe»да.

«Жаҳон» АА



ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

Сув тирикчилик манбаи. Усиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда ер юзининг айрим ҳудудларида ичимлик сувининг етишмаслиқ ҳолатлари кузатилмоқда. Шу сабабли ичимлик сувини тежаб ишлатиш, уни ортиқча исроф қилмаслик бугунги кунимизнинг муҳим масалаларидан биридир.

Бунинг асоси билан Бектемир туман «Сувсоз» трести жамоаси ортиқча сув исрофгарчилигининг олдини олиш, истеъмолчиларга қурулур орқали узатилаётган неъматнинг бесамар оқиб етишига йўл қўймаслик, аҳолини ичимлик сувига бўлган талабини қондириш, уларда сувни тежаган ҳолда оқилонга фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишган.

2012 йилда тумандаги «Саховат» кўчаси, «Х.Бойқаро», «Махмунтоғ», «Роҳат», «Тошкандий», «Порлок» ва «Б.Нозим» маҳаллаларида мавжуд сув қурувлари таъмирланиб, янгилари ўрнатилди. Бунинг натижасида аҳолига ичимлик сувини етказиш яхшиланди.

Айни пайтда мавжуд сув қурувлари ва насос станцияларида корхона мутахассислари томонидан кенг қўлланми профилактика ишлари олиб бори-

та қурув зулфинлари, 4 та насос ва 13 та сув қурув қудуқлари таъмирланиб янгиликларга алмаштирилди.

Туман «Сувсоз» трести жамоаси олдиға катта мақсадларни қўйган ҳолда ҳаракат қилмоқда. Кейинги икки-уч йил ичида туманнинг энг чекка ҳудудларидаги маҳаллаларга ичимлик сувини сифатли етказиб бериш ва узлуксизлигини таъминлашни мақсад қилган. Бундан англаш мумкинки, келгусида ҳам аҳолини ичимлик суви таъминотида ҳеч қандай муаммоларга йўл қўйилмайди. Ичимлик суви бор экан аҳолининг яшаш тарзи, соғлиғи яхшиланади. Халқимизда «Сув етказган – элде азиз» деган нақл бор. Корхонанинг аҳил жамоаси ана шундай шарафли юмушни бекаму қўст адо этишмоқда. Уларға бу йўлдаги кейинги фаолиятида ривож тилаймиз.

Абдуалим САЛИМОВ

Анжуманлар

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти ва барча соҳаларда амалга оширилаётган ишқотларни чуқурлаштириш давлат ва жамият бошқаруви соҳасида янги авлод — иқтидорли, салоҳиятли кадрларни етиштиришни талаб этмоқда.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан «Мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнида раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари: муаммо, ечим ва янги тажрибалар» мавзусида ташкил этилган анжуманда айнан юқоридаги фикрлар доирасида сўз борди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ректори А. Абдувоҳидов ва бошқалар Юртошимиз раҳнамолигида ёшларнинг бугунги кун талаби даражасида билим олиши, эртаимизга ишончли вакил бўлиб вояға етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси маҳаллий давлат органлари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида фундаментал ва илмий-амалий изла-нишлар олиб бориладиган таълим муассасаларидан бири эканлиги ҳақида маълумот бериб ўтдилар.

Шунингдек, академияда 2та факультет ва 14та кафедра фаолият юритиши, бундан ташқари, Ахборот-ресурс маркази, «Академия» нашриёти, «Жамият ва бошқарув» журнали, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда бошқа бўлимлар мавжудлиги, академияга 2 йиллик дастур асосида қабул қилинган дастлабки 110 нафар тингловчи жорий йилда ўқишни муваффақиятли тугатаётганлиги айтиб ўтилди.

— Академиянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, асосий бинолар мажмуи мукаммал ре-

конструкция қилинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори Абдуллажон Бегматов. — Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ўқув аудиториялари, барча қулайликларга эга ётоқхона, конференция заллари, кўргазмалар майдони, овқатланиш ва спорт билан шуғулланиш бинолари ташкил этилган. Ўқитиш самарадорлигини ошириш ва амалий кўникмаларни такомиллаштириш учун ўқув жараёнига масофавий таълим усули киритилган.

Дарҳақиқат давлат бошқаруви академиясида бугунги кунда таълим бериш жараёни янада такомиллашиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Академияда 2012-2014 ўқув йиллари давомида турли вазирлик, қўмиталар ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари учун 10 та қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилиб уларда жами 1177 нафар мутахассис ўз малакасини оширган. Шу билан бирга Академиянинг нуфузли халқаро олий ўқув даргоҳлари билан фан ва таълим соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Япониянинг Нагоя университети, Франциянинг Миллий бошқарув мактаби, Сингапур менежмент институти, Виржиния политехника университети (АҚШ), Британия Кенгаши, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ва Осиё тараққиёт банки шулар жумласидандир.

Анжуман давомида Бошқарув академиясида иқтидорли, кенг салоҳиятли, юрт келажағига ўзини дахлдор деб билган ёшларни давлат ва жамият бошқарувиға тайёрлаш борасидаги янгиликлар ҳақида журналистларга тўлиқ маълумот бериб ўтилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ: ОДОБ-АХЛОҚ, ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Давлатимиз раҳбарининг нутқида буюк аждодларимизнинг маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарурлиги таъкидланган. Чунки халқимизнинг қадимий анъаналари ва маънавий қадриятлари ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ўзлигини англаш туйғусини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий сўров шуни кўрсатдики, истиқлол йилларида ёшлар онги ва ҳулқ-атворида боқимандалик кайфияти ўрнини ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ва мустақил фикр юритиш эгалламоқда. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ёшлар ўртасида ижтимоий фаоллик қўлайиб бораётганини намоён этди. Аксарият ёшларнинг (88,3 фоиз) келажақда ўз режаси борлиғи ҳам шундан далolat беради. Ёшлар ўз режаларини, биринчи навбатда, таълим олиш ва яхши мутахассис бўлиб етишиш, мустақам оила қуриш, жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлишга интилиш билан боғламоқда.

Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари, одоб-ахлоқи ва ижтимоий фаоллигини ўрганиш борасида ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар шундан далolat берадики, мустақиллик йилларида навиқрон авлод вакилларида қадриятлар, қизиқиш ва ижтимоий нормалар тизимида фаол ҳаётий позиция, мустақиллик, интилувчанлик, ижтимоий сафарбарлик каби янги устувор йўналишлар шаклланимоқда. Бу уларнинг миллий ўзлигини англаши ва барқарор ижтимоий кайфиятда ўз ифодасини топтоқда. Зеро, буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг ёрқин самараларидир.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида
ЎЗА муҳбири
Мехрибон МАМЕТОВА тайёрлади

2014 йил — Соғлом бола йили

ХАЙРЛИ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизга ташриф бурурган Корея Республикасининг Инха университети госпитали шифокорлари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий марказида болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол этиб вояға етказиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан хорижий тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тиббий кўрик ва муолажалар болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг «Save the Children» халқаро жамғармаси, KOFIN жамғармаси, «Ewha Womans University» ва Инха университети госпиталларида бемор болалар даволанмоқда.

Жанубий Кореянинг Инха университети госпитали билан ҳамкорликда ташкил этилган навбатдаги ана шундай тадбир доирасида малакали невролог, педиатр, офтальмолог, гастроэнтеролог, ортопед, нейрохирург ва бошқа мутахассислар болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

— Шифохонамиз «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан 2011 йилдан бундан ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди Инха университети госпитали офтальмологи, профессор Ён Сун Мун. — Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт марказлари аҳолининг барча қатламларини тўла қамраб олган. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасида давлат ташифи мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва ишончли ҳамкорлик муносабатларидан далolatдир. Биз Ўзбекистонлик шифокорлар билан алоқаларни янада ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда хайрли ишга ҳисса қўиш ниятидамиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган ҳафталик доирасида Инха университети госпитали мутахассислари ва мамлакатимиз шифокорлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятларида бўлиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди. Оператив ёрдамга муҳтож беморлар мамлакатимиз ва Жанубий Кореядаги шифохоналарда даволанади.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ушбу масъулиятли жараёнда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан болажонларнинг ёз мавсуми давомида кўнглидагидек ҳордиқ чиқариб, саломатликлари мустаҳкамлашлари борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш зарурки, касба уюшмалари бутун ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш, бандлигини таъминлаш каби йўналишлардаги ишлар билан биргаликда меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш сифатини ошириш ва самарадорлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга киритилган янгича ёндошув асосида соғломлаштириш тизимини такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Республикада бу йилги болажонлар ёзги соғломлаштириш мавсумига ҳар доимидан ҳам кўра ўзгача тайёргарлик қўрилди. Хусусан, соғломлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болажонлар дам олдирish ва соғломлаштириш Концепцияси»га мувофиқ ташкил этилаётгани аҳамиятлидир. Чунки, мамлакатимизда болажонлар соғломлаштириш йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда болажонлар соғломлаштириш оромгоҳлари йўналишлари сонини шаклланиш ва мазмунан бойитиш имконини берувчи мазкур дастурий ҳужжат бу борадаги ишлар сифатини янада оширибгина қолмай, ҳар бир ўғил-қизни соғломлаштириш билан қамраб олиш қўламини ҳам кенгайтирмоқда.

Аваламбор давлатимиз раҳбари раҳнамолигида бу соҳага қаратиб келинаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки, ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутувчи мазмунли ҳордиқ ва соғломлаштириш ташкил этиш масаласи доимий равишда давлатимиз диққат эътиборидадир. Шу боис ҳам бутун Ўзбекистоннинг баркамол авлод тарбияси борасидаги таъкидлаш дунё ҳамжамияти томонидан эътибор этилмоқда. Ҳеч қачон мамлакатда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлигидаги имкониятларини болажонлар сифатли дам олдирish ва соғломлаштириш таъминлашга йўналтириш амалиёти қулайлашмайдими. Бу борада мамлакатимиз таърибиса таҳсибга лойиқдир.

Ўзбекистон мустақиллигининг ilk кунлариданоқ ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилиб, ўғил-қизларнинг интеллектуал ривожланиши, ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу жараёнларда албатта болажонларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Касаба уюшмалари фаолиятдан

ЎЗБЕКИСТОН — БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Манзилли дастур доирасидаги ишларни босқичма босқич амалга ошириш жуда яхши самара бермоқда. Мазкур дастур доирасида Республикаимизнинг турли вилоятларида янги замонавий болажон соғломлаштириш оромгоҳларини барпо этиш, мавжуд оромгоҳларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилги мавсум анъанавий равишда 1 июнь — Халқаро болажонлар ҳимоя қилиш кунидан бошланди. Республикаимиз миқёсида жами 1085 та оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг 214 таси стационар туридаги, 739 таси кундузги ва 132 таси «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳларидир. Мавсум давомида ушбу оромгоҳларда 281 миң 892 нафар бола соғломлаштирилди, уларнинг 147 миңдан ортиғи стационар оромгоҳларга, 134 миңдан кўпроғи кундузги оромгоҳларга жалб этилади.

Болажонлар соғломлаштириш ишлари қўламини нақадар кенг эканлигини мазкур йўналишга

36 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шу ўринда ўтган йилларда амалга киритилган ва таъкидлаш ўзини оқлаган иқтисослаштирилган оромгоҳларга алоҳида тўхталмоқ жоиздир. Бу йил ҳам бир қатор вазирилик, ташкилот ва идоралар билан биргаликда 214 та иқтисослашган оромгоҳларни ташкил этиш режалаштирилган. Аҳамиятли томони шундаки, бу йил Интеллектуал ривожлантириш, Тарбия ва спорт-соғломлаштириш, Меҳнат ва дам олиш, Ижтимоий-мислалар, Экологик-биологик, Ўқашун-оқ

лик, Техник иқдоркорлик йўналишидаги оромгоҳлар қаторига Бадиий иқдоркорлик оромгоҳларининг қўшилиши мавсумининг янгиликларидан бири бўлди. Энг муҳими, мазкур иқтисослашган дам олиш масканларига болажонлар ўз қизиқишлари ва иқдорларига мувофиқ жалб этилдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудидан 4,5 миң нафар ўғил-қиз давлатимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ҳамхўрлик натижасида Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги қорхона ва ташкилотларга қарашли энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда имтиёзли асосларда соғломлаштирилдилар.

Мамлакатимизда олиб берилаётган кучли ижтимоий ҳимоянинг ёрқин амалий мисоли сифатида ҳам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига кўрсатилаётган эътибор ва ҳамхўрликларни келтиришнинг мумкин. Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди билан биргаликда ма-

ҳаллардаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояталаб оилаларнинг 600 нафар, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Сариев ва Ўзун туманларидаги кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзандларини имтиёзли дам олдирish ва соғломлаштириш кўзда тутилган. Бу ҳам мавсумнинг ўзига хос янгиликларидан бири бўлди. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда эса 2 миң нафар бола оналари билан биргаликда саломатлигини мустаҳкамлайди. Бундан ташқари қорхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган Жамоа шартномалари орқали 31 миң нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандларини имтиёзли йўналиш билан таъминлаш белгиланган бўлган. Шу билан бирга Меҳрибонлик уйларида 2 миң нафар тарбияланувчилари, 50 нафар жисмоний имконияти чекланган болажон касаб уюшмалари маблаглари ҳисобидан энг сўлим ўшалардаги дам олиш масканларида бепул соғломлаштирилдилар.

2014 йилги ёзги мавсум давомида болажон оромгоҳларида тўдан янгиланган дастурлар асосида тарбиявий ишларни олиб бориш, болажонлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган маданий-маърифий тадбирлар, акциялар ўтказилмоқда. Хусусан, жорий йилда ҳам барча турдаги оромгоҳларда «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — бахтиёр болажонлар мамлакат», «Касаба уюшмалари — болажонлар» акциялари ташкил этилди. Шунингдек, мавсум давомида маданий-маърифий тадбирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, спорт усталари билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкилланган. Оромгоҳлар жойлашган ҳудудлар тарихи билан таништириш, бой ҳаётий таърибига эга бўлган инсонлар билан муқотлар уюштириш ишлари амалга оширилди. Шу мақсадда оромгоҳларда маънавий-маърифий ишларни тарқатиш бўйича методик тавсиялар, услубий қўлланмалар қайта ўрганиб чиқилди, керакли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, такомиллаштирилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаб уюшмалари
Федерацияси
Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари



Меҳнаткашларнинг яхши дам олишлари, шу билан бирга саломатликларини тиклашлари йўлида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги санаторий-курортлар бошқармаси тасарруфидagi «Умид гулшани» санаторийси МЧЖда ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу санаторий кўп тармоқли тиббий муассаса ҳисобланиб, унда кардиолог, терапевт, невропатолог, гинеколог, эндокринолог каби бир қатор соҳаларнинг юқори малакали шифокорлари намунали хизмат кўрсатадилар.

СУРАТДА: «Умид гулшани» санаторийси фаолиятдан лавҳа

Ислом Исмоилов
олган сурат

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизимида туб ислохотларни амалга оширишда иштирок этиш, жамиятда шаклланаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ масалалар касаб уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади.

Касаба уюшмаларининг бозор иқтисодиёти шароитидаги бош вазибаларидан яна бири бу — меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш таъминлаб боришдир.

Бинобарин, Тошкент шаҳар касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда режа асосида фаолият кўрсатиб келинмоқда.

2014 йил давомида Тошкент шаҳар касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши юридик бўлимига фуқаролар томонидан келиб тушган барча муножаатлар мuddатида ўрганилиб, меҳнаткашларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, баъзи қорхона ва ташкилот раҳбарларининг меҳнат қончилигини етарли тарзда ўзлаштирмаганликлари, баъзи ҳолларда эса ҳуқуқшунсларнинг маслаҳатсиз ёки касаб уюшма қўмиталарининг розиликсиз олиб бораётган фаолиятлари натижасида меҳнаткашларнинг қонуний манфаатлари, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Жумладан, бирлашма Кенгаши юридик бўлими томонидан, Тошкент шаҳар 4-сон клиник шифохонаси раҳбарининг шифохона болажон бўлими мудири «Шифокор неонатологи» А.Алимовдановага Меҳнат кодексининг 166-моддасига асосан ҳодимнинг меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазибаларни бажараётганда унинг қарорлиги тўловлари тўлаб берилмаганлиги аниқланиб, иш берувчи номига йўл қўйилган камчиликларни келгусида тақдорламаслик ва ҳодимнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тақдимнома киритилиб, унинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Ўрта махсус; касб-ҳунар таълими тизими кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳодими, архивариус лавозимидagi ишловчи Э.Раҳимовга нисбатан нотўғри интизомий жазо «хайфсан» қўлланганилиги ҳолати бўйича ҳужжатлар бирлашма Кенгаши юридик бўлими томонидан ўрганилиб, институт раҳбарияти номига тақдимнома киритилди. Ҳодимага нисбатан қўлланган интизомий жазо бекор қилиниб, интизомий жазо амал қилиб турган даврда унга нисбатан тўлимини лозим бўлган муқофот пуллари иш берувчи томонидан тўлаб берилди.

Шу тарихда Тошкент шаҳар касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашига умид билан келган ҳар бир фуқароннинг даврдаги маҳкам бўлиш, мушқулини осон этишга ҳамisha эътибор қаратилмоқда. Чунки, бирлашма Кенгаши юридик бўлимига Тошкент Автомобиль йўллари институти ҳодими Н.Муфтазоданинг иш берувчи томонидан ҳомилдорлиги ва туғиб бўйича нафақа тўланаётганлиги тўғрисидаги озаки муножаатлар ўрганилди. Иш берувчи билан бўлган мулоқотда, у томонидан қилинган хатти-ҳаракатлар меҳнат қончилигини зид эканлиги ва бу билан иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 233-моддаси талаблари бузилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ўрганилди. Ўз навабатида ушбу қонун бузилиши бартараф этилиб, фуқаро Н.Муфтазоданинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва такомиллаштиришда касаб уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Бу борада меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимининг янада кўтариш ҳамда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, бошлангич касаб уюшмалари ташкилотлари раисларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ишонч телефони» жорий қилинди.

Ўз навабатида, Тошкент шаҳар касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашига ҳам «Ишонч телефони» жорий қилиниб, фуқароларнинг барча саволларига қоникли ражоб берилмоқда.

НОДИРТЕМИРОВ,
Тошкент шаҳар касаб уюшмалари
Бирлашмаси Кенгаши
юридик бўлими етакчи юрисконсулти



Ўзимга тегишли бўлган уйимни ижарага бермоқчиман. Айтишларича, ҳозирги кунда уй-жойни ижарага бериш нотариал идорадан тегишли тартибда расмийлаштириш керак экан. Агар бундай қилинмаса, жавобгарлик белгиланганими?

М. Эргашев,
Яккасарой тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси «Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик» номли 159-модда билан тўлдирилган. Унга асосан:

2012 йил 1 февраль кундан фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги, ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Уй - жойларни қуриш қондаларини бузиш ёки уй - жойларга доир мулк ҳуқуқларини қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик» номли 160 - моддаси янги таҳрирда баён этилган.

Жумладан, фуқароларнинг уй - жойларни, ҳўжалик ва рўзгор биноларини қуриш қондаларини бузиши энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, бундан ташқари, фуқароларнинг уй - жойга доир мулк ҳуқуқини қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслиги энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Дилшод МАКСУМОВ,
Ғолиб ЭШМОНОВ,
Яккасарой туманидаги ДНИ нотариуслари

Ўғлим уй сотиб олишда эгасига пулни тўлаган. Лекин уйни номига ўтказмаган. Айтиш пайтда унинг собиқ эгаси номаълум жойга қўчиб кетган, яъни у ҳақда маълумот топа олмаямиз. Бундай ҳолатда ўғлим уйни ўз номига расмийлаштириш учун нима қилиши керак?

К. Маскудова,
Миробод тумани

Уй-жойни сотиб олиш шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 366-моддаси 4-қисмида белгиланганидек, ёзма шаклда тузиладиган шартномадир. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 480-моддасига кўра, уй-жой олди-сотиш шартномаси тузилмаслиги ёки унинг шаклига риоя қилмаслик, унинг ҳақуқий эмаслигига сабаб бўлади. Уй-жой сотиш шартномасига биноян, қўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлади. Бундай шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Бундай фаолият амалга оширилганидан кейингина — шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади. Демак, унинг ҳақини тўлаш билан бирга олди-сотиш шартномасини тузиш ва шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш керак эди.

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафининг талаби бўйича уни ҳақий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бундай ҳолатда битим Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 112-модда, 1,2-қисмларига асосан, суд қарорига мувофиқ, рўйхатдан ўтказилади.

Демак, бунга асосан, айтиш мумкинки, энди ўғлингиз олди-сотишга оид барча далилларни тўплаган ҳолда, жавобгар, яъни сотувчи яшаб турган жойдаги туманлараро фуқаролик судига муножаат қилиши керак бўлади.

Гулрух АЗИМОВА,
Камола СОИПОВА,
Олмазор туманидаги ДНИ нотариуслари

Синглим яқинда турмуш ўртоғи билан ажрашди. Суд томонидан у фарзандларига белгиланган алиментни тўғридан-тўғри собиқ турмуш ўртоғининг иш жўдадан олиши мумкинми?

Ф. Тошева,
Ҳамза тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 137-моддасида иш берувчининг, яъни ташкилот маъмуриятининг алимент ушлаб қолиш мажбурияти ҳақида сўз юритилган. Унга асосан:

Алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш жойидаги иш берувчи ёки пенсия, нафақа, стипендия олаётган жойдаги ташкилот маъмурияти алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишувга ёки ихро варақасига асосан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақидан ёки бошқа даромадларидан ҳар ойда алимент ушлаб қолиб, алимент тўлаши шарт бўлган шахсга иш ҳақи тўланган ёки бошқа даромадлар олинган кундан бошлаб, у кундан кечиктирмай алимент олувчи шахсга тўлаши ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисобидан унга ўтказиши керак.

Демак, синглингиз турмуш ўртоғининг иш жойига муножаат қилса, унинг иш ҳақидан алимент ушлаб қолиб, унга юбориши шарт.

Ушбу вазибалар ташкилот, қорхона бўғалтерияси томонидан иш ҳақини, пенсиясини, нафақани, стипендияни ёки бошқа даромадларни тўлаш бошлангундан сўнг у кундан кечикмасдан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Васила КАРИМОВА,
Хосият ИСАЕВА,
Чилонзор туманидаги 1-сонли ДНИ
нотариуслари

Туманларда

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Олмазор туман касаб уюшмалари тизимидаги қорхона, ташкилот ва муассасалардаги ишчи-ҳодимлар ва ёшларга маънавий-маърифий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида туман истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касаб уюшмаси томонидан аниқ иш режалари тузилиб, шу асосда фаолият кўрсатилмоқда.

Хусусан, юртимизнинг бугунги ва келажакдаги равнақи, ёшлар онига миллий ғоя, мустақиллик ва она Ватанга муҳаббат туғйусини сингдиришга қаратилган маънавий-маърифий, маданий тадбирлар уюштирилиб, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини атрофлича тушуштириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги Бадиий иқдоркорлар уюшмаси ҳамкорлигида Камолитдин Бехзод мемориал бoҳ-музейида Соғлом бола йўлига бағишлан Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти қошидаги АБС — «Амалий санъат клуби» иқдорий ишларидан иборат бўлган «Буюк юрт фарзандлари» номли танлов ва кўргазма ташкил этилди. Кўргазманинг очилишида тумандаги қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг касаб уюшма раислари ва аъзолари иштирок этдилар. Кўргазмада талаба-ёшларнинг уч йил мобайнида яратган 100 дан ортиқ иқдорий ишлари намоишга қўйилган бўлиб, улар рангтаъвир, графика, ҳайкалтарошлик, қўлчилик, заргарлик, сомон санъати намуналари, миллий қўғириқлар ва шу каби бошқа қўллаб санъат турларига оид эканлиги билан иштирокчиларни мамнун этди.

Кенгаш томонидан туман тасарруфидagi ташкилотлардаги меҳнаткашларнинг 100 нафар фарзандларининг Миллий бoғ-таърифлари уюштирилиб, турли хил байрам дастурлари намоиш этилди. «Маҳалла» ҳайрия жамоат фондининг туман бўлими хотин-қизлар кўмитаси, туман маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда «Одам саводсига қарши кураш», «Халқаро терроризм», «Диний экстремизм» мавзуларидаги ўқуш-мулоқотларни муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари ва бош имом-хатиблар иштирокда ўтказилди.

Шунингдек, миллий қадриятлар, миллий ғоя, ахлоқ-одоб ва маърифат тушуначаларини ёшлар онига сингдириш мақсадида Олмазор туман енгил санoат ҳамда Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди туман бўлими билан ҳамкорликда «Энг намунали оила», «Оила — менинг фаҳрим» мавзуларида қўриқ-танловлар ташкил этилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, касаб уюшмалари томонидан Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерация Кенгаши раёсатининг «2014 йилда касаб уюшма ташкилотларида «Маънавият соатлари»ни ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда Тошкент шаҳар касаб уюшмалари бирлашмаси Кенгашининг қарорлари иқросини таъминлаш мақсадида Республика Маънавият тарғибот маркази, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг «Тинчлик ва аҳиллик — мамлакатимиз тарққуёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир» номли маърузасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича қорхона, ташкилот ва муассасалардаги бошлангич касаб уюшма қўмиталарининг раислари ва раъзачилари иштирокида «Маънавият соатлари» ўтказилди.

Шунингдек, ушбу тадбирларда касаб уюшма аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий-оммавий ҳамда спорт тадбирларини ўтказишнинг ташкил этиш, касаб уюшма аъзоларининг сийхатхоҳларда даволаниши ҳамда оилавий дам олиш, фарзандларини соғломлаштириш бўйича керакли маълумотлар берилди.

Меҳнаткашлар ва ёшларни қадимий шахарлар тарихи ва ёдгорликлари, миллий урф-одатлар, анъаналар, мустақиллик йилларида барпо этилган бунёдкорлик ишлари билан ақидан таништириш мақсадида республикаимизнинг қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларига саёхатлар уюштирилди.

Хулоса ўрнида айтилган бўлса, меҳнаткашлар ўртасида миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, меҳнаткашлар ва ёшларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириб бориш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш ва турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф тўғдириши мумкин бўлган таъжовузаларга қарши изчил кураш олиб бориш вазибаси ҳозирги кунда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касаб уюшмаси Олмазор туман кенгашининг устувор вазибаларидан биридир.

ЛОЛА ИСМАТОВА,
Олмазор туман истеъмол товарлари ишлаб
чиқариш, савдо ва хизмат кўрсати



«Болажон» маданият ва истироҳат боғида «Сен билан бирга – камолот сари...» ёшлар акцияси ўтказилди.

Тадбир «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ёшларнинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш истеъоддорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий фаолиятига қўмаклашиш ҳамда ёш иқтидор эгаларини рўёбга чиқариш, турли йўналишларда юқори натижаларга эришган ёшларнинг тенгдошлари билан учрашиб, фикр алмашишлари мақсадида ташкил этилди.

— Мамлакатимизда ёшларга оид қўллаб-қувватлаш, спорт мусобақалари, турли фестиваллар ўтказилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар «Камолот» бошқаруви ташкилоти раиси Сардор Маҳамов. — Бугунги ёшларимизнинг дунёқараши кенглиги, ўз фикрига эгалигини қўриб, қувонасан киши. Ушбу тадбирни ташкил этишдан аввал ёшлар ўртасида қандай лойиҳада қатнашишни хоҳлайсиз, деган савол билан ижтимоий сўровнома ўтказилди. Натижада санъат, спорт, шеърят йўналишларига ёшларимизнинг қизиқиши кучлиги аниқланди. Шу асосда акция давомида «Зулфияхоним издошлари», «Камолот кутубхонаси», «Чемпионлар», «Моҳир кўллар», «Сиз севган юлдузлар», «Ёш қутқарувчи», «Ёшлик наволари» каби бекатлар ташкил этилди. Мазкур бекатларда нуфузли халқаро танловлар ғолиблари, турли спорт мусобақалари бўйича ёш чемпионлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, иқтидорли rassom ва ҳунармандлар, санъаткорлар билан бўлиб ўтган учрашув тадбирига янада мазмун бахш этибгина қолмай, ёшларга ўзаро фикр алмашиш имконини берди. Бундан ташқари ўтказилган маҳорат дарслари акция қатнашчилари ва «Сардорлар мактаби» тингловчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўсиб келаётган авлоднинг маънавий юксалишида китобларнинг ўрни беқийс. Тадбирда «Янги аср авлоди» нашриёти то-

монидан «Камолот кутубхонаси» бекатида китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Акция иштирокчилари спортнинг стол тенниси ва шахмат-шашка бўйича мусобақаларида қатнашишди. Бундан ташқари Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан шикастланган беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш, фуқароларни кўнгилсиз ҳолатларда

таълим мактаби ўқувчиси Садоқат Таджиева. — Бу ердаги турли хил бекатларда ёшлар ўз маҳоратларини намойён этишди. Кўплаб дўстлар орттирдик, ёшлар билан танишдик. Болалигимдан шеър ёзганим учун «Зулфияхоним издошлари» бекатида ижод намунамни ўқиб бердим. Таассуротларим олам-олам, ёшларни янада шижоат билан ҳаракат қилишида бу каби учрашувларнинг ўрни катта.

Тадбирда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган «Мен диний экстремизм ва терроризмнинг таҳдидини қандай тушунаман?», «Жаҳолатга қарши маърифат» мавзуларида ўтказилган ишолар танловининг ғолиблари тақдирланди.

— «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган ишолар танловининг шаҳар босқичида фахрли

1-ўринни эгаллаганимдан беҳад хурсандман, — дейди Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги 2-сонли академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси Саломат Мухторова. — Мен ёзган ишода ҳозирги кунда диний экстремизм ва терроризмнинг дунёга солаётган таҳдидини, чегара билмаслигини, бу иллатларни ҳамжиҳатликда курашиш орқали енгиш имконининг ёзишга ҳаракат қилдим. Ўртоқимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсат туфайли юртимиз тинч, ҳалқимиз фаровон ҳаёт кечирмоқда. Тинчлик бўлган жойда тараққиёт бўлади, болаларнинг шодон кулгуси жаранглайди.

«Нихол» мукофоти совриндорлари ва Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таълим олаётган халқаро ва нуфузли танловлар ғолиблари иштирокида «Озод юртга байрам ярашади» шиори остидаги концерт барчага янада кўтаринки кайфият бахш этди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатининг рапид – тезкор шахмат баҳсларида ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Осиё чемпионати — 2014

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Швейцарча тизимда етти турдан иборат баҳсида ўз маҳоратини намойиш этган шахматчиларимиз иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди.

Ўн икки ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида қатнашган Нодирбек Ёқубов, тожикистонлик Суҳробжон Авалиев, ҳиндистонлик Ананд Саурабх ва Сриватшав Раҳул, қирғизистонлик Руслан Сездбеков, мўғулистонлик Отгонбаяр Чингуунни мағлубиятга учратди. Ҳиндистонлик Аравинд Рам ва яна бир шахматчимиз Мухаммадали Абдурахмонов билан дуранг ўйнаган Нодирбек шу тарихда 6 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Ҳиндистонлик Аравинд Рам иккинчи, мўғулистонлик Ёндонамц Ёндонамц учинчи поғонадан жой олди.

Олти ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида ёш шахматчимиз Оқжол Раҳматуллаев ҳам олти очко жамғарган ҳолда Осиё чемпиони бўлди. У етти партиядан иборат баҳсида ҳиндистонлик Рамдас Анант, Рамакришнан Никхил, мўғулистонлик Батгерел Энхзориг ва Очир-Эрдене Ариунболд ҳамда жамоадоши Ақобир Сайдалиев устидан ғалаба қозонди.

Саккиз ёшгача қизлар баҳсида қатнашган Омина Назарова беш очко билан бронза медални қўлга киритди.

Б.АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнанинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2-а уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида «**Очиқ эшиклар куни**» ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Тошкент шаҳри фуқароларининг қабули ҳар ойнанинг охириги жумасида ўтказилишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси	2014 йил 27 июнь
Марказий банки Раисининг	соат 10.00 дан 13.00 га
биринчи ўринбосари	қадар
Марказий банк Тошкент шаҳар	2014 йил 27 июнь
Бош бошқармаси бошлиғи	соат 14.00 дан 17.00 га
	қадар

Мазкур қабулда иштирок этиш истиғини билдирган фуқаролар ва тадбиркорлар 2014 йил 26 июнь соат 13.00 га қадар 212-61-87 телефони орқали боғланишлари мумкин.

Тошкент иқтисодиёт ва сервис қоллежи маъмурияти вақант (бўш) ўқувчилари бўйича директор ўринбосари ҳамда ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Малака талаблари: касб-хунар қоллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажы.

Хужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилди.

Хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ўрикзор даҳаси, Халқа йўли 9-уй. Телефон: 247-51-56

«TOSHKENT TRAMVAY» УК 2-сонли филиалининг қуйидаги манзилда жойлашган АБК биносидида бўш майдонлар тўғрисидаги маълумотлар:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Кўйлик кўчаси, 40-уй.

1-қават — 434 кв. м. 9 та хона
2-қават — 301 кв. м. 12 хона
3-қават — 71 кв. м. 3 хона
4-қават — 729 кв. м. 17 хона
Жами — 1535 кв. м. 41 хона

Мулоқот учун телефон: 905-24-46

20-22, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди, таъмиқдори паст бўлади.

Таъкидлаш жоизки, дунёнинг глобал муаммосига айланган гиёҳвандлик инсонлар соғлиғига зарар етказиши билан бир қаторда, уларнинг турмуш тарзига ҳам таъсир қилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш куни

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Биламизки, гиёҳванд моддаларга героин, наша, кўкнори, кокаин, метадон ва бошқалар кирди. Ушбу захри қотилни қабул қилиш натижасида ўсимлар ва болалар организмда бир қатор ўзгаришлар, яъни асаб-руҳий тизими фаолияти бузилиши, сезиш, эслаш, фикрлаш қобилиятининг пасайиши ва йўқолиши кузатилади. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш натижасида организмда психологик ҳамда жисмоний мойилликлар келиб чиқади.

Гиёҳвандлик кўчасига кирган инсонлар руҳий мойилликда бўлиб, улар палапартиш юришлари билан ташқи томондан ўзга одам эътиборини тортади. Жисмоний мойиллик — асосан организмнинг гиёҳванд моддага бўлган мойиллигининг ортиши ҳамда унинг иштирокисиз орга-

низм нормал фаолият кўрсатмаслиги билан, шунингдек, доимий гиёҳвандлар ўз вақтида моддаларни қабул қилмасалар, уларда оёқ, қўл бўғимлари ва мушакларда кучли оғрик, бош оғриғи, уйқусизлик, овқат ҳазм қилиш, юрак қон-томир, нафас олиш аъзолари тизимлари фаолиятининг бузилиши тез-тез суяқ ич қетиши ҳамда қаттиқ қўрқув белгилари кузатилади. Бу белгилар гиёҳванд моддаларни қабул қилгандан кейин, тезда исзис йўқолади. Гиёҳванд моддани сурункали истеъмол қилиш натижасида организмда жисмоний мойилликнинг кучайиши ва шаклланиши вужудга келиб, инсон ўзини бошқара олмайди. Эндиликда қабул қиладиган гиёҳванд моддаларни ўзининг яхши кайфиятда бўлиши учун эмас, балки

шу моддаларсиз организмнинг нормал фаолият кўрсатмаслиги асосий сабаб ҳисобланади.

Ушбу захри қотилни истеъмол қилишда аёлларнинг ҳам иштирок этаётганлиги ачинарли ҳолдир. Айниқса бўлажак ҳомиладор аёл организмга ва ҳомилага зарарли таъсир шундаки, ҳомила пайдо бўлган вақтдан бошлаб, 70 кунгача жуда нозик ҳисобланади, чунки бу вақтда унинг аъзолари ва тўқималари шакллана бошлайди, бу эса ҳар қандай салбий таъсир туғма нуқсонлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шунингдек, гиёҳванд моддаларни 1 та шприц орқали 5-6 та одам томирга юбориш натижасида ОИТС касаллиги билан зарарланиш ҳолати юз бериши аянчали ҳолдир. Гиёҳвандликка сурункали руҳ қўйганларни даволаш айрим ҳолларда биз кутган натижани бермайди. Шунинг учун бу жирканч иллатнинг олдини олиш учун аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтиришимиз зарур.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

«101»

БЕПАРВО ВА ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ

Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг хизмати тармоқлари томонидан ўтган йиллар давомида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлган ёнғинларни тезда бартараф этиш ҳамда моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Бугун ён-атрофимиз қанчалар гўзал бўлмасин, дилини хира қиладиган кўнгилсизликлар ҳам учраб туради. Бепарволик ва лоқайдлик туфайли ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик нафақат мол-мулк, балки инсонлар ҳаётини ҳам хавф остига қўйиб келмоқда. Бугун юз бераётган ноҳус ҳодисаларнинг аксарияти оловдан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда. Маҳалларда қурилатган хонадонлар бир-бирига жипс ҳолда қурилиб, том қисми ҳам қўшилиб кетган. Натижада бир хонадонда ёнғин юз берса, албатта қўшни уйга ҳам бемалол ўтиб

кетди. Ёнғин содир бўлган хонадон вайронага айланади, ачинарлиси, одамлар ёнғинда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолиши ёки ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чақиради. Ўйдан чиқаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг.

Баҳром СИДИКОВ,
12-Харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди кичик инспектори, сафдор

Ёнғинлар халқ хўжалигига катта моддий зарар келтириши барчага маълум. Унинг катта-кичиги бўлмайди. Ёнғин жуда катта миқдордаги бойликларни ёндириб, қулга айлантиради. Бундан ташқари, ёнғиндан қўриладиган зарарнинг энг ёмон, унда кўплаб кишилар жароҳатланади ва ҳатто ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.

ОЛОВДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Мана шундай воқеалардан бири жорий йилда Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчасида содир бўлди. Ҳамза тумани Давлат ёнғин назорати ҳодимлари томонидан ўрганишлар даврида ёнғин сабаби хонадон эгаси А.Гудилхоннинг спиртли ичимликни меъридан ортқ истеъмол қилиб, маст ҳолда очик оловдан фойдаланиши натижасида содир бўлгани аниқланди.

Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизматида хабар етиб келди. Воқеа жойига навбатчи ёнғин ўчириш автоуловлари етиб борганида яшаш хоналар ички ва том тахта панжараси очик аланга билан ёнаётганлиги аниқланди. Тезкор ҳаракат натижасида ҳодимлар томонидан ёнғин ўчирилган.

Уй хоналари кўздан кеңирилганда иситилиш тизими мавжуд эмаслиги аниқланган. Бундан

ташқари уй биносидида иккита контрамарка иситиш печи табиий газ билан таъминланмаганлиги аниқланди.

Содир бўлган ёнғин натижасида уй эгасининг боши, икки юзи, бўйни, танаси, икки қўли, ўнг оёғининг термик қуйиши, ис газидан захарланиш, алкоғоллик мастлик ҳолатида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига ётқизилди. Ёнғин ўчоғи яшаш хонасининг ўнг бурча-гидидаги контрамарка иситиш печи олдида бошланганлигидан далолат беради.

Шундай экан, азиз ҳамшаҳарлар оловдан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш унутманг!

Нодирбек ТУРДИЕВ,
Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 666

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
11961 нусхада босилди.
Қўғоғ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00